

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИРГАШЕВА ГУЛМИРА РАХИМЖАНОВНА**

**АНТИОКСИДАНТЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ  
АСОСИДА ВИНО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш  
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Иргашева Гулмира Рахимжановна**

Антиоксидантларнинг фаоллигини ўрганиш  
асосида вино ишлаб чиқариш технологиясини  
такомиллаштириш . . . . . 3

**Иргашева Гулмира Рахимжановна**

Совершенствование технологии  
производства вин на основе изучения  
их антиоксидантной активности . . . . . 21

**Irgasheva Gulmira Rakhimdjanovna**

Perfection technology of wine manufacture  
on the basis of studying of antioxidants activity . . . . . 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 40

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИРГАШЕВА ГУЛМИРА РАХИМЖАНОВНА**

**АНТИОКСИДАНТЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ  
АСОСИДА ВИНО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш  
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1071 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz.), ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сапаева Замира Шавкатовна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Исабаев Исмоилжон Бобажанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Саломов Шахзод Шодиевич**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**“Ўзбекистон шампани” АЖ**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й. соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Ташкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» ..... куни тарқатилди.

(2021 йил ..... даги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**Х.И.Кадиров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби т.ф.д., профессор

**К.О.Додаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг 140 давлатида 7,6 млн гектар узумзорлар майдони мавжуд бўлиб, 250 млн. гектолитр вино ишлаб чиқарилади. Винонинг типик белгиларининг шаклланиши, етилиши ва кексайишида оксидланиш жараёнлари муҳим ўринни эгаллайди. Узумнинг винобоп турларини етиштириш, антиоксидантларга бой вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш, виночиликдаги технологик усуллар ёрдамида кислород миқдорини бошқариш бўйича International Society of Antioxidants in Nutrition and Health - ISANH Халқаро ҳамжамияти ташкил этилган ва Япония, Франция ҳамда Россияда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида узоқ муддат сақланиб етиштириладиган маркали нордон ва юқори сифатли қувватланган вино ишлаб чиқариш, оксидантлар таркиб, антиоксидант ҳимоя тизимини ўрганиш, вино технологиясининг мукамал оксидланиш жараёнларини тадқиқ этишни оптималлаштириш ва моделлаштириш билан рақобатбардош ва экологик тоза табиий ичимликлар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Республика миқёсида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва улар асосида импорт ўрнини босувчи янги турдаги реагентларни олиш натижасида, вино саноатининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий виноларни барқарорлигини, типиклигини, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, технологик жараён давомийлигини қисқартириш, маҳсулотнинг табиийлигини оширишда бир қанча ютуқларга эришилди. Узумни қайта ишлаш, вино маҳсулотларининг антиоксидант фаоллиги ва ҳимоя тизимида кирувчи ферментлар фаоллиги ҳолатини ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб, илм-фан соҳасида изланишлар олиб борилишини тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5-февралдаги ПФ-5656 сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 23-июлдаги ПФ-6033 сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш» ва 2020 йил 23-июлдаги ПҚ-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

4787 сон «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари ва қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Виноларнинг антиоксидант фаоллигини ўрганиш асосида ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича Ribéreau-Gayon, Singleton, Salmon, J. M. Halliwell, V. Bagchi, D.Hornsey, T.S. Gaillard, A.H. Бах, А.И. Опарин, З.Б. Кишковский, И.М. Скурихин, В.И. Нилов, А.К. Родопуло, Я.М. Яшин, Н.М. Агеева, Т.И. Гугучкина, Н.Н.Мехузла, В.В. Хасанов, А.М. Рахимов, С.Х. Абдуразакова, Х.Т. Саломов, З.Р. Ахмедова, Ҳ.Т. Ҳасанов, З.Ш. Сапаева ва бошқалар илмий тадқиқот ишлар олиб боришган.

Улар томонидан ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлар таркибидаги антиоксидантлар миқдори ва ўзаро мослиги (синергизм ва антагонизм) ўрганилган, антиоксидант фаолиги винонинг инсон организмда эркин радикалларнинг зарарли таъсирини блоклаши, хавfli касалликлардан ва қаришдан ҳимоялаш қобилияти, асосий таркибнинг биоқулайлиги (биосингдирувчанлиги) тадқиқ этилган.

Антиоксидант муаммосида қўшимча изланишларни талаб этадиган, бугунги кунда ечилмайдиган масалалар орасидан антиоксидант фаолликни ўрганиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш мақсадида, антиоксидант фаолликни винонинг сифат кўрсаткичи деб белгилаш масаласини кўтариш лозим.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЗИ-12-02 «Ресурсларни тежовчи экологик тоза ва юқори сифатли шароблар терхнологиясини ишлаб чиқиш» (2003 - 2005 йй.), ИТД-11-01 сон «Ўсимлик хомашёси асосида пептидли антиоксидантларни олиш технологиясини яратиш» (2012 - 2014 йй.) мавзусидаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида оксидланиш жараёнларининг антиоксидант фаоллиги ва антиоксидант ҳимоя тизимини ростлаш орқали вино технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** оқ ва қизил узум навларини қайта ишлаш жараёнида антиоксидантли ҳимоя тизимини тадқиқ қилиш;

нордон оқ ва қизил вино материалларга ишлов беришнинг антиоксидант ва антирадикал хоссалари фаоллигини аниқлаш;

қувватланган вино антиоксидант фаоллигини ўрганиш;

виноларда антиоксидант ҳимоялаш тизимига кирувчи ферментлари фаоллигини ўрганиш;

антиоксидантлик ҳимоя тизимига кирувчи ферментлар фаоллиги таъминланган, юқори сифатли вино ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** маҳаллий шароитда етиштирилган қанднинг массавий концентрацияси  $17,0 \text{ г/100 см}^3$ , вино кислотасига нисбатан ҳисобланганда титрланган кислотанинг концентрацияси  $5-6 \text{ г/дм}^3$ -дан ошмайдиган оқ ва қизил навдаги узумлар; ширадорлиги  $0,3 \%$ , титрланувчи кислоталилик миқдори  $6,4 \text{ г/дм}^3$  бўлган оқ қувватланган виноматериаллар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Виноларни антиоксидант фаоллиги, антиоксидантлик ҳимоя тизими тадқиқот предметини ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий - полярографик, биокимёвий, вольтамперометрик, хроматографик, фотоколориметрик усуллардан, булардан ташқари технологик хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий оқ ва қизил узум навларидан вино олишда антиоксидант ҳимоя тизими ишлаб чиқилган;

оқ нордон виноматериалларнинг антиоксидант фаоллиги нофенол хусусиятига эгаллиги, қизил нордон виноларнинг антиоксидант ҳимоя тизими оксидловчи ферментларининг юқори фаоллиги билан асосланган;

қизил виноларнинг антиоксидант фаоллиги тирозиназа ферменти билан боғлиқлиги исботланган;

узум турпида ранг берувчи антиоксидант - мальвидиннинг миқдори  $18 \%$ -гача етишлиги кузатилиб, ажратиш жараёнининг мақбул параметрлари аниқланган;

мустахкам антиоксидант ҳимоя тизими ва узайтирилган кафолатланган сақлаш муддатига эга юқори сифатли винолар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қизил узум навларини қайта ишлаш жараёнида антиоксидант ҳимояси кучайтирилган, қизил нордон виноларнинг кафолатланган сақлаш муддатлари узайтирилган вино тайёрлаш мақбул шароитлари ишлаб чиқилган;

антиоксидантлик ҳимоя тизимига кирувчи ферментлар фаоллигини таъминловчи, етилиш муддатлари қисқартирилган қувватлаган вино ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услубларидан фойдаланилганлиги, антиоксидант ва антирадикал фаоллигини бошқариш асосида вино олишнинг саноатга жорий қилиниши ва ишлаб чиқарилиши билан асослангандир.

**Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, вино маҳсулотларининг антиоксидант фаоллиги ва ҳимоя тизимига кирувчи ферментлар фаоллигини

таъминлаш, антиоксидант ва антирадикал фаоллигини бошқариш, қувватланган вино ишлаб чиқариш жараёнини жадаллашиши асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти,** тайёр маҳсулотларнинг антиоксидант ва антирадикал фаоллигини бошқариш асосида виноларнинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши** маҳаллий оқ ва қизил узум навларидан мустаҳкам антиоксидант ҳимоя тизими ва узайтирилган кафолатланган сақлаш муддатига эга юқори сифатли винолар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш натижалари асосида:

мустаҳкам антиоксидант ҳимоя тизимига эга вино ишлаб чиқариш технологияси «Mehnat» МЧЖ ва «Хамкор» ХК ларда амалиётга жорий этилган (Виночилик ва узумчиликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 22 июндаги 03-10/1876 сонли маълумотномаси). Натижада, қизил узум навларини қайта ишлаш жараёнида антиоксидант ҳимояси кучайтирилган, қизил нордон виноларнинг кафолатланган сақлаш муддатини 16 ойгача узайтириш имконини берган.

антиоксидантлик ҳимоя тизимига кирувчи ферментлар фаоллигини таъминловчи вино ишлаб чиқариш технологияси «Mehnat» МЧЖ ва «Хамкор» ХК ларда амалиётга жорий этилган (Виночилик ва узумчиликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 22 июндаги 03-10/1876 сонли маълумотномаси). Натижада, етилиш муддатлари 7% қисқартирилган қувватлаган вино ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу ишнинг натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 мақола, жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 100 бетдан иборат бўлиб, унда 17 та расм ва 11 та жадвал келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети ифода-ланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очилган, ишлаб чиқаришга жорий этилишининг рўйхати келтирилган, чоп этилиш даражаси ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Вино ва оксидланиш жараёнлари**” деб номланган биринчи бобида вино таркибининг фарқли белгилари, винонинг асосий компонентлари, технологик режимларининг таснифи келтирилган, кислород, вино антиоксидантлари, оксидловчи жараёнлар кимёвий табиатининг белгиловчи роли акс эттирилган. Антиоксидантли ҳимоя тизими ва унинг таркибидаги фенолли бирикмаларнинг роли, уларнинг табиати ва инсон ҳаётида тарқалиши тавсифланган.

Диссертациянинг ушбу бобида келтирилган материалларни таҳлиллаш ва умумлаштириш асосида тадқиқотнинг аниқлаштирилган асосий мақсад ва вазифалари кўйилиши амалга оширилган.

Диссертациянинг “**Узум суслоси ва тайёр маҳсулотнинг таҳлил қилишнинг физик-кимёвий ва технологик анализ усуллари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва таҳлил усуллари баён этилган. Узум суслоси, виноматериал ва винонинг физик-кимёвий кўрсаткичлари виночиликда қабул қилинган усулларида таҳлил қилинди, ферментлар фаоллиги - биокимёвий тадқиқот услубларида аниқланди.

Диссертациянинг “**Виночиликда антиоксидант ҳимоя тизими ва маҳсулотни антиоксидант фаоллиги**” деб номланган учинчи бобида бирламчи виночилик корхоналарда маҳсулотни антиоксидант ҳимоя тизими, иккиламчи виночиликни антиоксидант фаоллиги ва антиоксидант ҳимоя тизимлари кўриб чиқилди ва ўрганилди.

#### 1-жадвал

#### Оқ навли узумни қайта ишлашдаги таҳлил натижалари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг қийматлари									
	Майдалаш		Оқизиб юборувчи		Пресс		Чўкма		Бижғиш	
	гача	кейин	гача	кейин	гача	кейин	гача	кейин	гача	кейин
СОД, шарт.бир.	0,14	0,69	1,27	1,11	0,41	1,00	0,14	0,62	0,53	0,45
Каталаза, мкмоль/мин/дм <sup>3</sup>	0,87	0,69	1,91	1,71	3,51	1,20	1,22	0,80	0,62	1,64
Глутион, пероксидаза мкмоль/мин/дм <sup>3</sup>	60,2	65,6	51,5	55,8	53,4	48,9	49,1	58,3	70,2	52,8

Узумни янчиш ва пресслаш жараёнида, молекуляр кислород дисмутацияси содир бўлиши натижасида, супероксиддисмутаза ферментини фаоллиги ортиши кузатилади. Супероксиддисмутаза фаоллиги ортиши юқори даражада оксидланишдан ҳимоялайди, ва оксидланиш жараёнини интенсивлаштирувчи кислороднинг супероксид радикалини мавжудлигини олдиндан белгилаб беради.

Узум суслосини оқиб чиқишида, бижғиш жараёнида супероксиддисмутаза фаоллиги пасаяди, яъни айнан ушбу технологик усуллар кислороднинг фаол шакллари ҳосил бўлишини олдини олади.

## Қизил навли узумни қайта ишлашдаги таҳлил натижалари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг қийматлари									
	Майдалаш		Оқириб юборувчи		Пресс		Чўкма		Бижғиш	
	гача	кейин	гача	кейин	гача	кейин	гача	кейин	гача	кейин
СОД, шарт.бир.	2,93	4,60	4,84	2,98	2,81	5,74	4,76	1,90	1,95	1,78
Каталаза, мкмоль/мин/дм <sup>3</sup>	3,929	4,35	4,44	4,11	3,95	4,77	4,28	4,08	4,13	6,15
Глутион, пероксидаза мкмоль/мин/дм <sup>3</sup>	40,6	22,3	21,1	25,0	41,8	19,3	22,4	25,0	24,2	13,3

Оқ ва қизил рангли узум суслосини олишда ва тиндиришда каталаза фаоллиги кузатилмади, бижғитилганда эса иккала суслода ҳам мавжуд бўлади. Узумни янчганда ва пресслашда каталазанинг фаоллиги фақат қизил суслода аниқланди.

Технологик услублар натижаларига кўра миқдорий ҳамда сифат жиҳатидан каталаза фаоллиги қизил узумни қайта ишлашда кўпроқ кузатилди. Каталаза фаоллиги пасайиши оксидланиш жараёнини кучайишига олиб келади. Шу тариқа, қизил суслони пресслаш ва бижғитиш оксидланишни секинлаштиради, оқ суслони тиндириш эса оксидланиш жараёнини интенсивлаштиради.

Иккала рангдаги узумни пресслаш ва суслони бижғитишда пероксидаза маълум даражада фаоллигини йўқотади. Иккала суслони тиндиришда пероксидаза фаоллашади. Эҳтимол, бу суслора юзасида қолган узумнинг қаттиқ қисмлари, ҳусусан, пўстлоғининг юзасидаги ферментларни мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Оқ суслони тиндиришда дисмутация сезиларсиз даражада мавжуд бўлади: айнан ушбу фактни академик Опарин “суслони ферментацияси” деб атади – яъни суслони даврий усулда тиндиришда ферментатив жараённинг мавжудлиги.

Пероксидаза фаоллиги фарқи фақат майдалаш жараёнида кузатилди. Оқ узумни қайта ишлашда ушбу фермент фаоллашади, қизил узумда кескин пасаяди. Суслони оқизиб олишда ва тиндиришда пероксидаза ва каталаза фаоллиги бир хил аҳамиятга эга, чунки улар ўхшаш функцияга эга.

Агар суслора оксидланишини антиоксидант химоя тизимига кирувчи фаол оксидловчи ферментларга боғлиқ ҳолда ўрганилса, бунда қизил узумни янчиш жараёнида суслора кўпроқ оксидланади, оқ суслора эса тиндириш жараёнида. Бу ҳолатларни турли навли виноларни ишлаб чиқариш технологик схемаларини танлашда, эътиборга олиш муҳимдир.

Агар супероксиддисмутаза фаоллиги кислороднинг фаол шакллари мавжудлигининг биринчи белгиси деб ҳисобланса, оқ виноларни қайта ишлашда энг хавфли технологик усуллар бу пресслаш ва тиндириш кўрсатилади. Умуман, оқ узумни қайта ишлашда “кислород стресси” манбаълари сифатида қуйидаги технологик усуллар хизмат қилиши мумкин: узумни янчишда супероксиддисмутаза фаоллиги 0.55 шартли бирликга ортади;

пресслаш – 0.59 шартли бирлик, тиндириш – 0.48 шартли бирлик. Оқ узумни қайта ишлашда каталаза фаоллиги фақат бижғитиш жараёнида ҳосил бўлади ва фаоллиги ортиши 1.02 мкмоль/мин/ дм<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Пероксидазали оксидланиш оқ суслони тиндиришда фаол бўлиб, фаоллигининг ортиши 9.2 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup> ташкил қилади, сўнг янчишда – 5.4 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup>, бироз оқизиб суслони олишда ва пресслаш ва бижғитишда умуман ферментатив фаоллиги кузатилмади. Қизил виноларни қайта ишлаш даврида супероксиддисмутаза фаоллиги анча юқори бўлиши кислороднинг фаол шакллари мавжудлигидан, перекисли оксидланиш хавфини кучайтирувчи перекислар ҳосил бўлишидан далолат беради.

Қизил узумни қайта ишлашда антиоксидант ҳимоя тизими ферментларининг ҳаракати бироз фарқланади. Масалан, узум янчилганда супероксиддисмутаза фаоллиги максимал даражада бўлиб, ушбу технологик усулдан сўнг унинг ўсиши 1.67 шартли бирлик ни ташкил қилди. Бундан кўринадики, оқ ва қизил узумларни қайта ишлашда ўрганилган барча ферментларнинг хатти-ҳаракати ўхшаш, фақат миқдор жиҳатидан фарқланади. Яъни янчиш жараёнидан бошлаб қизил узумни суслоси оксидланишга мойилроқ бўлиб, бунда кислородни фаол шакли мавжуд бўлади.

Агар оқ узум суслосида каталаза фаоллиги фақат бижғитишда кузатилса, қизил узумни қайта ишлаганда эса каталаза фаоллигини ортиш янчиш жараёнида 0.421 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup>, сўнг пресслашда 0.82 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup>, бижғитишда максимал кўрсаткичи кузатилди 2.02 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup>. Каталаза ферментини ҳам миқдорий, ҳам технологик усуллар қўлланилганда фаоллик даражаси, қизил узумни қайта ишлашда юқорилиги аниқланди.

Қизил узумни қайта ишлашда пероксидаза фаоллиги фақат икки ҳолатда намоён бўлди: суслони оқизиб олиш вақтида фаоллиги 3.9 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup> ва тиндиришда – 2.6 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup> ни ташкил этди. Бундан, қизил узумни қайта ишлашда суслодаги антиоксидант ҳимоя тизимига кирувчи ферментларни фаоллиги, перекисли оксидланишга йул қўймайди деб хулоса қилиш мумкин.


Кислород концентрацияси оқ узумни янчиш жараёнида, асосан, суслони оқизиб олишда ва тиндиришда кам миқдорда кўпаяди. Қизил узумни қайта ишлашда эса кислород миқдори суслони оқизиб олишда, тиндиришда ортади, бошқа ҳолларда кислород концентрацияси бирдек қолади.

Шу тариқа, қизил узумни қайта ишлашда суслода перекисли, оксидланиш жараёни эмас, фенол комплексининг кучли оксидланиши, умумий оксидланиш жараёнини фаоллаштиради. Қизил суслони сульфитлашда Технологик инструкция буйича бериладиган олтин гугуртнинг миқдори антиоксидант ҳимояни таъминлаш учун етарли эмаслиги аниқланди.


Таҳлил натижаларидан кўринадики, қизил узумнинг суслоси оксидланиш жараёнидан етарли даражада химояланмаган.

Оқ, қизил нордон ва қувватланган винолар антиоксидант фаоллигини бентонит, иссиқлик билан (52-54 °С) ва совуқ ҳаво билан ишлов беришда (-2-5<sup>0</sup>С) ўрганилган. Бошланғич намунани ва ҳар бир технологик жараёндан сўнг антиоксидант фаоллигини, молекуляр кислород миқдори, тирозиназа фаоллиги аниқланди.

Оқ виноларни тадқиқоти шуни кўрсатдики: бентонит билан ишлов берилганда антиоксидант фаоллиги 0.12 марта пасайди, паст ҳароратда ишлов беришда - 3.3 марта ва иссиқлик билан ишлов берилганда 3 марта кўпайди (1-расм), яъни оқ виноларнинг антиоксидант фаоллиги, нафақат фенолли компонентларни таркиби билан аниқланади, шу билан бир қаторда ҳарорат билан ишлов бериб, етилиш ва стабилланиш жараёнлари ҳисобига қараб ҳам белгиланади. Оқ виноларга хурушлов ишловини беришда антиоксидант фаоллигини максимал даражага етиши кузатилди.



1-расм. Оқ нордон шаробни АОФ




2-расм. Қизил нордон шаробни АОФ


Қизил виноларнинг антиоксидант фаоллиги барча турдаги ишлов берилишида кўпаяди. (2-расм). Бентонит билан ишлов беришда 1,1 марта, совуқлик билан ишлов беришда-3 ва иссиқлик билан ишлов беришда 6.8 мартаба кўпаяди.

Қизил виноларга иссиқлик билан ишлов беришда максимум антиоксидант фаоллигини беради, бу оқ виноларга нисбатан икки баробар кўп бўлиб, қизил виноларнинг юқори биологик фаоллигини яна бир бор тасдиқлайди.

Нордон винога нисбатан, бошланғич қувватланган винонинг антиоксидант фаоллиги нисбатан кўпроқ бўлади (3-расм), бентонит билан ишлов берилганда у 1,6 мартага ошади, лекин ҳарорат ишловлари натижасида деярли ўзгармайди. Демак, оқ винолар қувватидан қатъий назар бентонит билан ишлов бериш жараёнида антиоксидант фаоллигини тўплаб боради. Тадқиқ қилинаётган технологик ишловларни барчаси қувватланган виноларга биологик қиймат кўшмайди.



3-расм. Қувватланган вино АОФ




4-расм. Оқ нордон шароби теразиназа


Виноларни антиоксидант фаоллигига жавоб берувчи асосий компонентлар фенолли моддалар (флаванонидлар, катехин, рутин, кварцетин ва х.к.) бўлганлиги сабабли, винонинг фенол компонентларини оксидловчи тиразиназа фаоллигини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Оқ нордон виноларни таҳлил натижалар шуни кўрсатди (4-расм), иссиқлик ва бентонит билан ишловлар беришда тирозиназа ферментини фаоллиги бир хилда ортди, бу фенол моддаларининг оксидланишидан далолат беради. Совуқлик билан ишлов бериш тирозиназа фаоллигини пасайтиради. Яъни, оқ нордон виноларга совуқлик билан ишлов беришда фенол комплексини оксидланиши кузатилмайди. Лекин, ушбу турдаги винолар учун совуқлик билан ишлов бериш зарур ва у винони кристаллик лойкаланишга қарши стабиллаштириш мақсадида қўлланилади.

Қизил виноларни бентонит билан ишлов беришда ҳам, харорат билан ишлов беришда тирозиназа фаоллиги пасаяди, лекин пасайиш интенсивлиги билан фарқланади (5-расм). Натижалардан кўринадики, қизил виноларга иссиқлик билан ишлов беришда антиоксидант фаоллиги максимал ортади, буни тирозиназанинг минимал фаоллиги ҳам тасдиқлайди. Демак, иссиқлик билан ишлов бериш қизил нордон виноларнинг антиоксидант фаоллигини сақлаб қолиши билан, уни биологик қийматини оширади.



5-расм. Теразиназа қизил нордон шароб



6-расм. Теразиназа қувватланган винолар тирозиназа

Бентонит билан берилган ишлови антиоксидант фаоллигини кўпайтирмади, демак, тирозиназа фаоллиги минимал даражада пасайди, яъни ушбу услуб қизил винонинг биологик қийматига деярли таъсир курсатолмайди. Совуқлик билан ишлов бериш антиоксидант фаоллигини бироз оширади, бунда тирозиназа ферментини фаоллиги бироз пасаяди. Олинган натижалар, виноларда асосан тирозиназа ферменти фаоллиги билан антиоксидант фаоллигини орасида, айниқса қизил винода, боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Қувватланган оқ виноларга бентонит билан ишлов беришда тирозиназа фаоллиги ортади (6-расм), демак, бунда асосан фенол моддаларни оксидланиши кузатилади. Максимал фермент фаоллиги совуқлик билан ишлов беришда кузатилди. Иссиқлик билан ишлов бериш эса фермент фаоллиги доимий пасайтиради, бунда фенол моддалари оксидланиши мавжуд бўлмайди. Винога совуқлик билан ишлов берилганда тирозиназа фаоллиги максимал ошиши, қувватланган винолар ишлаб чиқариш технологиясини танлаганда, ҳисобга олиш лозим. Бунда, фенол комплексини интенсив оксидланиши кузатилади, ва паст харорат кислород эрувчанлигини оширади, бу оксидланган виноларни

типиклигини шаклланиши учун зарурдир. Демак, оксидланган яъни ўрганилаётган қувватланган виноларни тайёрлашда ушбу технологик усулни қўллаш зарур.

Шу билан, оқ нордон виноларда оксидланиш антиоксидант фаоллигини нофенол характердаги компонентлар ҳисобига амалга ошади; қизил виноларнинг тайёрлаш технологик занжирини бошидан охиригача оксидланиш жараёни антиоксидант фаоллиги фенолли комплекси ҳисобига ўтади; қувватланган виноларда антиоксидант фаоллиги ҳам фенол, ҳам нофенол характердаги компонентлар ҳисобига паст интенсивликда амалга ошади.


### 3-жадвал

#### Технологик ишлов беришда кислород концентрацияси

Вино тури	Технологик ишлов беришда кислород концентрацияси, мг/дм <sup>3</sup>					
	Хурушлов ишлови		Совуқ билан ишлов беришда		Иссиқ билан ишлов беришда	
	олдин	кейин	олдин	кейин	олдин	кейин
Оқ нордон	0,7	8,2	2,42	2,23	2,8	7,8
Қизил нордон	2,66	8,5	0,9	1,52	0,72	3,22
Қувватланган	7,2	8,4	6,8	8,2	6,8	8,4

Технологик ишловлар давомида кислородни кириб келиши, қўлланиладиган усулга боғлиқ бўлиб, молекуляр кислороднинг (O<sub>2</sub>) миқдорига эмас, унинг турли шакллариининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

**Оқ нордон виноларнинг антиоксидант ҳимояси.** Кислород дисмутацияси фақат хурушлаш ишловида кузатилди. Супероксиддисмутаза ферментининг фаоллигини ортиши хурушлаш ва паст ҳароратда ишлов бериш ўрганилаётган тизимнинг ферментлар фаоллигини туширди. Бу эса оксидланиш жараёнини кучайишига олиб келади.



а)

б)

в)

1 - СО<sub>2</sub> усл.ед., 2- каталаза мкмоль/мин/л, 3- глутатион пероксидаза мкмоль/мин/ дм<sup>3</sup>  
(а-хурушлаш ишлови, б-совуқлик ишлови, 3-иссиқлик ишлови)

#### 7-расм. Оқ нордон винога технологик ишлов беришдаги АОХ тизимидаги ферментлар фаоллигини ўрганиш натижалари.


Виноларни ноорганик моддалар (бентонит) билан хурушлашда, ўрганилаётган антиоксидант ҳимоя тизимининг уччала ферментни ҳам мавжудлиги аниқланди. Лекин фаолликни ортиши фақат супероксиддисмутаза

ферментиди кузатилди. Бунда: оқ нордон винолар вино кислороднинг фаол шакллари билан тўйинади, бу “оксидланиш стрессига” олиб келади ва нордон виноларга бентонит хурушлови тавсия қилинмайди (7а-расм).

Совуқ билан ишлов беришда барча АОХ ферментлари фаоллигини пасайишига олиб келади (7 б-расм). Демак, бу ерда перекисли оксидланишга ўрин йук.

Иссиқлик билан ишлов беришда супероксиддисмутаза фаоллиги пасайиши ва каталаза фаоллиги ортиши кузатилади, бу перекисли оксидланиш мавжудлигидан далолат беради.

**Қизил нордон виноларнинг антиоксидант химояси.** Қизил винолар мураккаб фенол комплексига бойлиги билан характерланади ва юқори микдорда фенол ва бўёвчи моддалар тутиши сабабли, юқори антиоксидантлик фаоллиги билан ажралиб туради.



а)

б)

в)

1 – СОД, бирлик ўл., 2- каталаза, мкмоль/мин/ дм³, 3- глутатион пероксидаза, мкмоль/мин/ дм³.

### 8-расм. Қизил нордон винони технологик ишлов (а, б, в) беришдаги антиоксидант химояси тизимининг оксидлантирувчи ферментлар.

Каталазанинг энг кўп фаоллиги совуқлик билан ишлов беришгача аниқланди. Айнан паст харорат билан ишлов бериш уни инактивлаштиради (8 б-расм). Уни фаоллигининг ортиши бентонит билан хурушлашда кузатилади ва айнан шундай технологик ишлов бериш даврида каталаза фаоллиги, иссиқлик билан ишлов бергандан 10 баробар кўпроқ бўлади.

Пероксидаза вино етилиш жараёнининг бошланиши ва охирида фаол бўлади. Глутатион пероксидаза фаоллиги барча намуналарда хурушлашдан сўнг ортади ва максимал даражага етади, ва иссиқлик билан ишлов беришда минимал (0.059 мкмоль/мин/дм³) даражага тушади, бундан қуйидаги гипотеза пайдо бўлади, иссиқлик ишлов бериш натижасида винони етилиш даври қисқаради, ва бу услуб винони етилишини тезлаштириш ва типиклигини шаклантириш учун тавсия қилинади.

Турли рангдаги (оқ ва қизил) виноларни ишлаб чиқаришда технологик усулларни қўллаш антиоксидант химоя ферментлари фаоллигига бирдек таъсир кўрсатмайди. Шу тарзда, қизил нордон винони бентонит билан хурушлашдан сўнг каталаза фаоллиги максимал (8.12 мкмоль/мин/дм³) даражада бўлди. Оқ нордон винога совуқ билан ишлов беришда минимал (0.22 мкмоль/мин/дм³) фаоллиги кузатилди. Қизил нордон винога минерал моддалар билан ишлов берилганда каталаза ферменти фаоллиги ортиши паст (2.2 мкмоль/мин/дм³)

бўлди. Қизил нордон винога иссиқлик билан ишлов беришда каталаза ферментининг минимал инактивацияси кузатилди, каталаза ферменти фаоллигининг кескин ортиши ( $4.28 \text{ мкмоль/мин/дм}^3$ ) эса оқ нордон винони хурушладан сўнг кузатилади, бунда перекисли оксидланиши кузатилади.

Қизил нордон виноларни бентонит билан ишлов беришда каталазанинг юқори фаоллиги ва ортиши шундан гувоҳлик билдирадики, қизил нордон виноларни хурушладан кислороднинг фаол шакллари мавжуд бўлади ва  $\text{H}_2\text{O}_2$  ҳосил бўлади. Каталаза одатда супероксиддисмутаза билан боғлиқ фаоллик кўрсатиб  $\text{O}_2$ ни нейтраллаштиради.

Бошқа қизил нордон вино намуналарига совуқлик билан ишлов берилганда, пероксидаза минимал фаолликка эга бўлди, энг паст фаоллиги эса, оқ нордон виноларга совуқлик билан ишлов берилганда кузатилди. Қизил нордон винони хурушлаш пероксидаза ферментининг максимал фаоллигини берди ( $0.438 \text{ мкмоль/мин/дм}^3$ ). Иссиқлик билан ишлов берилган оқ виноларда пероксидаза фаоллиги сезиларли даражада пасайди ( $0.673 \text{ мкмоль/мин/дм}^3$ ). Бошқа сўз билан айтганда иссиқлик билан ишлов берилган оқ виноларда оксидланиш хавфи бўлмайди.

Қувватланган виноларнинг таркибидаги спирт юқори миқдорга эга бўлганлиги боис, у стабиллиги ва оксидланиш-қайтарилиш стрессига чидамлилиги билан ажралиб туради.

Қувватланган “Портвейн Ўзбекистон” оқ виноларни антиоксидант химоя тизимини ўрганиш натижалари 4-жадвалда кўрсатилган.

Супероксиддисмутаза муҳим биологик функцияларни бажариб, оксидланиш стрессидан химояланишни таъминлайди. Иссиқлик билан ишлов бериш натижасида супероксиддисмутаза фаоллиги кескин 12.3 бирлик ўлчов ошди, хурушлаш эса фаолликни 0.815 ўлчов бирлиги пасайди; совуқ билан ишлов бериш фаолликка минимал таъсир қилди ва фаоллик атиги 0.07 ўлчов бирлига пасайди. Ушбу ферментнинг максимал фаоллиги термик ( $52\text{-}54^\circ\text{C}$ ) ишлов берилганда кузатилди ва 13.08 ўлчов бирликни ташкил қилди. Супероксиддисмутаза фаоллашуви винода кислороднинг фаол шакллари мавжудлигидан гувоҳлик беради, улар оксидланиш жараёнини молекуляр кислородга нисбатан бир неча баробар фаолроқ олиб боради. Қувватланган виноларнинг махсус таъми ва хидига айнан “портвейнизация” деб аталувчи термокислородли ишлов бериш билан эришилади. Демак, иссиқлик ишлови оксидланиш жараёнини кучайишига олиб кетади.

Глутатион пероксидаза иссиқлик билан ишлов беришда фаоллиги ўзгармади ва совуқ билан ишлов беришда паст даражада ортди ( $0.018 \text{ мкмоль/мин/дм}^3$ га). Бентонит билан хурушлаш технологик усулида глутатион пероксидаза фаоллиги минимал фаоллигини берди ( $0.0531 \text{ мкмоль/мин/дм}^3$ ) (4-жадвал).

Каталаза ҳам пероксидаза ҳисобланади, водород пероксидини битта молекуласини бошқа водород пероксиди билан оксидлаб иккита сув молекуласи ва кислород ҳосил қилади:  $\text{H}_2\text{O}_2 + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow 2\text{H}_2\text{O} + \text{O}_2$ .

## Қувватланган виноларининг антиоксидант химоя тизими

Кўрстгичлар	ишловлар					
	бентонит		совуқлик		иссиқлик	
	олдин	кейин	олдин	кейин	олдин	кейин
СОД ўлчов бирлик.	1,0	0,185	0,50	0,43	0,78	13,08
Каталаза мкмоль/мин/дм <sup>3</sup>	1,49	1,31	2,26	2,46	2,04	2,20
Глутатион пероксидаза, мкмоль/мин/дм <sup>3</sup>	0,106	0,053 1	0,159	0,177	0,124	0,124

Совуқ ва иссиқ билан ишлов беришда каталаза фаоллиги бир қанча ортади 0.2 иссиқликда эса 0.16 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup> ошади. Бунда, иссиқ билан ишлов беришда переисли оксидланиш боради, бу айнан қувватланган оксидланган турдаги винолар ишлаб чиқариш учун зарурдир ва нордон, мусаллас винолари ишлаб чиқариш учун кераксиз жараёндр. Хурушлаш ишлови эса, каталаза фаоллигини тахминан шунчага (0.18 мкмоль/мин/дм<sup>3</sup>) пасайтирди. Иссиқлик билан ишлов бериш супероксиддисмутаза фаоллигини максимал оширади, ва ўзгармас пероксидаза фаоллиги ва шунга яқин даражадаги каталаза фаоллигини таъминлайди. Қуввати оширилган виноларга совуқлик билан ишлов беришда супероксиддисмутаза қисман инактивлашади ҳамда каталаза ва пероксидаза фаоллигини қисман оширади.

Шунингдек, қувватланган виноларни технологиясини ишлаб чиқариш ва тахлилида ва уларни типиклигини шакллантиришда юқоридаги маълумотларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ ва совуқлик билан ишлов бериш тавсия қилинади.

Диссертациянинг “Илмий изланишлар ва диссертация ишланмаларини татбиқ этиш” деб номланган тўртинчи бобида фенол табиатли антиоксидантларни олиш жараёнининг математик модел оптималлаштирилиши келтирилган.

$$\hat{y}(x, \hat{a}) = 14,00 + 24x_1 + 0,35x_2 + 2,40x_3 - 0,90x_2x_3 - 1,28x_2 + 1,02x_3^2, \quad (1)$$

Бунда:  $x_1$  - ҳарорат;  $x_2$  - қаттим модда суюқлик нисбати Т:Ж;  $x_3$  - жараён давомийлиги, у-экстрактдаги қизил буёқни миқдори, %-да чиқиш параметрлари деб қабул қилинган.

Экстракциялаш жараёнини оптимал курсатгичлари:

$$x_{1\text{opt}} = 1,215; x_{2\text{opt}} = 0,254; x_{3\text{opt}} = 1,215; y_{\text{extr}} = 18,2. \%$$

Топилган оптимал режимларни сақлаган холда, фенол табиатли антиоксидант – қизил пигмент чиқиши миқдори.

Қуйидаги тенглама бўйича оптимизациялаш ўтказилди:

$$\hat{y}(x, \hat{a}) = 9,480 + 1,020x_1 + 0,543x_2 + 1,975x_3 - 0,900x_1x_3 - 1,280x_2^2 + 1,020x_3^2, \quad (2)$$

Бунда  $x_1 = \tilde{\delta}_1 / 1,25, -1 \leq \tilde{\delta}_i \leq +1$ .

Экстракциялаш жараёнида мальвидин чиқишининг миқдори

№		Ҳарорат T, °C	Нисбати Т:Ж	Вақт τ, дақ	Мальвидин чиқими
1	Ҳисоб. (X <sub>0</sub> =0) Эксперимент	35 -	0,175 -	143 -	14,00 13,75
2	Ҳисоб. оптим. (X <sub>1</sub> =1,215; X <sub>2</sub> =0,254; X <sub>3</sub> =1,215;) Эксперимент	53 -	0,194 -	280 -	18,20 18,00
3	Ҳисоб. (X=1,215) Эксперимент	17 -	0,266 -	5 -	4,57 4,25

Оптималлаш жараёнида  $x_{1ii0} = +1$ ;  $x_{3ii0} = +1$  -тенг бўлиши шарти қабул қилинганда қуйидаги тенглама келиб чиқади:

$$\hat{y}(x, \hat{a}) = 12,595 + 0,543x_2 - 1,280x_2^2.$$

$$x_{2extr} = b_2 / 2b_{22} = 0,209 \text{ нуқтада, } x_2\text{-экстремумга этади}$$

$$\text{ва } y_{extr} \succ y(x_{2extr}) = b_0 - b_{22}^2 / 4b_{22} = 12,651$$


Экстракциялаш жараёнини оптимал кўрсаткичлари:

$$x_{1ii0} = 1,215; x_{2ii0} = 0,254; x_{3ii0} = 1,215; y_{extr} = 18,2\%$$

Топилган оптимал режимларни сақлаган ҳолда, фенол табиатли антиоксидант – қизил пигментини чиқиши 18,2% -ни ташкил этади.

Иккиламчи виночилик технологик давридаги АОХ тизими ҳолатини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар виночилик ишлаб чиқаришдаги баъзи қонун-қоидаларни қайта кўриб чиқиш имконини беради. Бирламчи виночиликда қизил узумни қайта ишлашда оксидланиш стрессидан химоялаш учун анаънавий усулда олтингугурт ангидридини киритиш миқдори етарли эмаслиги аниқланди, шу сабабли таклиф қилинаётган технологик схемада оксидланишни олдини олувчи ва олтингугурт ангидридини (кандивид) киритиш эҳтиёжини йўқотувчи махсус қурилмадан (7) фойдаланиш кўзда тутилган (9-расм).

Узум автомашинадан (1) қабул қилиш бункерига (2) туширилади, сўнг майдалагичга узатилади (3), майдаланган мезгага кандивид киритилади (4) ёки сульфитланади (5), сўнг махсус оқизиш ва пресслаш функцияларини бажарувчи махсус қурилмага киритилади (6,7). Йиғичларга (9) 1 тонна узумдан умумий хажми 80-85 дал сусло киради, инерт газ билан тиндириш амалга оширилади (10), бижғитилади (11), виноматериалга янги йилдан кейин ишлов берилади (12-17). Тадқиқот натижаларига кўра, иккиламчи виночиликда қувватланган виноматериалларни типиклигини шакллантиришдан олдин ишлов бериш технологик занжирида 2 сутка давомида минус 4-6<sup>0</sup>C ҳароратда мажбурий совуқлик билан ишлов бериш киритилади (18-19), сўнг тўғрилаш купажи ўтказилади (23), филтрланади (24), тиндирилади (29).



1-автомашина, 2-бункер-озиқлантиргич, 3-майдалагич, 4-мезгонасос 5-сульфидозатор, 6,7- барабан пресс, 8-насос, 9- сусла йиғгич, 10-оқартириш, 11-бижгитиш резервуарлари, 12,13,14-ўлчагич, 15,16 –купажер, 17,20,22-тиндириш резервуарлари, 18-иссиқлик алмашувчи совутгич, 19- совутиш хароратида ушлаш учун резервуарлар, 21,23-йиғгич, 24-фильтр.

### **9-расм. Узумни қайта ишлаш ва нордон ва қувватланган виноларга ишлов беришга таклиф қилинган технологик схема.**

Нордон вино тажрибавий ва назорат намуналарини солиштирилганда биринчиси лойиқаланишга чидамлироқ бўлди, дегустацияда юқори баллар билан баҳоланди. Тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиш нордон виноларни кафолатланган сақланиш муддатини 3 ойдан 16 ойгача ошириш имконини берди, қувватланган виноларнинг этилиши интенсивлашади (иловага қаранг).

Диссертация тадқиқоти ишланмалари ва натижаларини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш амалга оширилди. Таклиф қилинаётган совуқ билан ишлов беришли технологик схемани тадбиқ қилиш натижасида иқтисодий самарадорлик 1000 дал виноматериалга 936360 сўмни ташкил қилади.

## **ХУЛОСА**

1. Оқ узум навларини қайта ишлаш жараёнида янчиш, пресслаш ва тиндириш технологик усуллари, антиоксидант ҳимоя тизимида кучайтириш кераклиги кузатилди.

2. Қизил узумни қайта ишлаш жараёнининг барча босқичларида антиоксидант ҳимоя тизимини кучайтириш бўйича қўшимча чораларни қўллаш тавсия этилди.

3. Оқ виноматериалларни бентонит билан хурушлаш ишловини ўтказишида антиоксидант фаоллиги юқори бўлгани сабабли, ушбу усул тиндириш жараёнида қўлланмаслиги тавсия этилди.

4. Қизил нордон виноларни антиоксидант химоя тизимининг оксидловчи ферментларини юқори фаоллиги ва антиоксидант фаоллиги тирозиназа ферменти билан боғлиқлиги тасдиқланди.

5. Қувватланган виноларни ишлаб чиқаришда “етилтириш” муддатини қисқартириш мақсадида паст ҳарорат билан ишлов бериш жараёнини ўтказилиши тавсия этилди.

6. Узум турпидаги антиоксидантларни экстракциялаш жараёнининг параметрларни оптималлаштириш антиоксидантларнинг чиқишини 18% ташкил қилди.

7. Антиоксидант фаолликни ўрганиш асосида вино технологиясини такомиллаштириш тайёр маҳсулотни юқори сифатини ва узайтирилган сақлаш муддатини кафолатлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019. Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИРГАШЕВА ГУЛЬМИРА РАХИМЖАНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА ВИН НА  
ОСНОВЕ ИЗУЧЕНИЯ ИХ АНТИОКСИДАНТНОЙ АКТИВНОСТИ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент –2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2. PhD/Т1071**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и информационно-образовательном портале “Ziyonet” по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Сапаева Замира Шавкатовна**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Исабаев Исмоилжон Бобажанович**  
доктор технических наук, профессор

**Саломов Шахзод Шодиевич**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:**

**“Узбекистон шампани” АО**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32, тел. (+99871) 244-79-21, факс (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz))

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №. \_\_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г.Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32, тел. (+99871) 244-79-21)

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол реестра рассылки № \_\_ от « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 год)

**С.М.Туробжонов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.И.Кадиров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**К.О.Додаев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

В мировом масштабе 140 стран производят более 250 млн. гектолитров вина при общей площади виноградников 7,6 млн. га. Окислительные процессы играют определяющую роль как при типизации, так и при созревании и старении вин. Создано Международное сообщество International Society of Antioxidants in Nutrition and Health - ISANH по возделыванию винных сортов винограда, производству богатой антиоксидантами винопродукции, контролю содержания кислорода в технологических процессах виноделия, успешно функционирующее в Японии, Франции и России.

В мировой практике ведутся научные исследования по совершенствованию производства конкурентоспособных и экологически чистых натуральных напитков путем производства выдержанных марочных сухих и высококачественных крепленых вин с удлинённым сроком хранения, изучения содержания оксидантов, системы антиоксидантной защиты, оптимизации и моделирования сложных окислительных процессов в технологии виноделия.

В настоящее время в Республике в результате реализации мероприятий по использованию местного сырья в стране и получению на их базе новых видов импортозамещающих реагентов, достигнуты значительные результаты в улучшении технико-экономических показателей винодельческой отрасли. В третьем направлении стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>1</sup>. В этой связи, достигнуты ряд достижений в повышении стойкости, типичности, натуральности, улучшении качественных показателей, сокращении продолжительности технологического процесса местных вин. Повышение антиоксидантной активности и активности ферментов, входящих в систему антиоксидантной защиты при переработке винограда и получении вин является актуальной задачей, требующей проведения исследований в области науки.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5656 от 5 февраля 2019 года «О мерах по совершенствованию государственного регулирования производства и оборота алкогольной и табачной продукции, а также развитию виноградарства и виноделия»; № УП-6033 от 23 июля 2020 года «О совершенствовании системы управления в сфере производства и оборота алкогольной и табачной продукции» и № ПП-4787 «Об организации деятельности Агентства по

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

регулированию алкогольного и табачного рынка и развитию виноделия Республики Узбекистан”, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

